



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 11 ноябрь, № 218 (6148)

Сешанба

ШИЖОАТЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ, БАРКАМОЛ

Ҳар қачон сизлар билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, навқирон қадди-қоматингизни, сизлар эришаётган ютуқларни кузатганда, кўпчилик қатори мен ҳам ўзимда худдики қанот пайдо бўлгандек ҳис этаман.

Ислом КАРИМОВ



қилинди, мутлақо янги модель яратилди.

Ўз навбатида, тизимдаги янгилашлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аввало, тизимнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим мусассаларининг илмий-методик иш олиб бориши йўлга қўйилди. Биргина ўтган йилнинг ўзиде 28 та янги касб-хунара коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юрталари тизимидаги 45 та объект, 131 касб-хунара коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Хўш, буларга ўз-ўзидан эришдикми? Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эдилар: "...бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлиши азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-хунара билан пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз — энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди.

(Давоми 4-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида янги тахрирдаги "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиши режалаштирилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар асосида бозор ислохотларининг бугунги суръатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Мухбиримиз мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси Александр ФАРМАНОВ билан сўбатлади.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида сармоясиз тараққиёт йўқлигини, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни инвестициялар сиз тасаввур этиб бўлмаганини алоҳида таъкидлаган эди. Барқарор иқтисодий ўсиш, чет эл ва ички инвестициялар ҳажмининг кўпайиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг, шунингдек, кулай бизнес муҳити ва жозибдор инвестиция клими яратилгани ҳамда инвесторлар учун ишончли кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилганининг яққол далилидир.

бормоқда. Кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизлик барқарор ўсиш суръатлари таъминлаб келинаётир. Биргина 2013 йилда мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Тараққиётнинг бугунги босқичида инвестиция фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қонунчиликни янада тақомиллаштириш айна заруратдир.

— Янги ҳуқуқий ҳужжатни парламент юқори палатаси ялпи мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш жараёни ҳақида ҳам тўхташган.

— Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган. Қонун ҳалқаро тажриба, сиёсий партиялар фракциялари, ушбу соҳадаги мутахассислар фикрлари чуқур ўрганилганидан сўнг куйи палата депутатлари томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

(Давоми 2-бетда).

ФАҲР

Биз эзгу ниятли халқимиз. Оилада фарзанд туғилса, яхши тилаклар билан кўчлар ўтказамиз, ниҳол қадаимиз. Уларнинг униб-ўсишини, мевалар беришини ва ундан барчанинг баҳраманд бўлишини хоҳлаймиз. Бобгон боғидаги дов-даракларни меҳр ила парвариш қилади. Натига-

да даракт янада буй чўзади, кўпроқ мева солади. Шу маънода, истиқлолнинг илк йиллариданоқ ёш авлод таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди, бугунги кунга келиб унинг "меvasи" ёшларимиз эришаётган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда.

Биргина таълим соҳасини олиб кўрайлик. Алоҳида эътироф этиш жоизки,

1997 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу асосда рўёбга чиқарилган ишларга дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳам ҳавас билан қарамоқда. Зеро, ушбу ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида таълим тизими тубдан ислох

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 10 ноябрь куни Хитой Халқ Республикасининг Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши миллий қўмитаси раисининг ўринбосари, миллатлар ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ван Чжэнвэй раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланаётганини, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани-

ни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил август ойида Хитойга, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

8,4 фоиз ўсди.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгилаш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида реал сектор субъектларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси — устувор мақсад

Мамлакатимизда мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида тиббиёт тизимида улкан ислохотлар амалга оширилди. Натигада бугун соҳада жаҳон андозаларига мос тарзда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу борадаги ислохотларнинг кўлами нақадар кенглигини энг чекка жишлоқларимиз ва маҳаллалар, тоғли худудларда қад ростилаган ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан мукамал таъминланган шифо масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

ТИББИЁТ

Бу ҳақда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган тиббиёт ходимларининг касб байрамида алоҳида таъкидланди.

Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга асосан,

юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан ташкил этилган бу йилги маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Тараққий этган демократик жамиятда адвокатга мурожаат қилмаган фуқаро камдан-кам топилади ва бу табиий ҳолдир. Чунки ҳар қандай жамиятда яшаётган инсон хилма-хил муносабатларга киришади, фаолият юритади, шу аснода у ёки бу муносабат-ҳамкорлик жараёнида тушунмовчилик, келишимовчилик ва зиддият келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Мана шундай шароитда фуқаро, биринчи навбатда, адвокатга мурожаат қилади. Адвокат эса ўзига хос "тез ёрдам" вазифасини ўтайди.

Зеро, малакали адвокат чигал вазиятларга ойдинлик киритишида кўмак беради, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан фуқарони ҳимоя қилади, вазиятнинг кескинлашувиға йўл қўймайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлаш, давлатимиз Конституциясига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият даражасига кўтариб, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш саъй-

ҳаракатлари тизимли олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йилдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари мамлакатимизда, аввало, адвокатура институтининг ҳуқуқий асосини яратган ва мустаҳкамлаган бўлса, иккинчи томондан, ҳар икки ҳужжат жамиятда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

борасида ғоятда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимизнинг 2008 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида мазкур соҳа янада ривожланиш босқичига чикди.

Адвокатнинг фаолият доираси ниҳоятда кенг — у суриштириш, тергов ва суд мажлисларида ҳимоячи, қонуний вакил сифатида иштирок этиб, ўзига мурожаат қилувчининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатлари-

ни ҳимояловчи шахсдир. Бинобарин, адвокат доимий равишда малакасини ошириб бориши, зиммасидаги масъулиятли вазифани виждонан адо этиши, касб одоби меъёрларига риоя қилиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган Фармони ҳамда "Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, шунингдек, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқарувиға асосланган марказлашган тизими ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги тахрирдаги Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун кўмитамиз томонидан Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Молия вазириликлари ва киллари ҳамда ҳуқуқшунос-олиимлардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Кўмита томонидан бир қатор, шу жумладан, ҳудудлар-

низмлари белгиланган ҳамда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестицияларни бошқариш ҳамда уларни амалга ошириш тартибга солинмоқда.

Қонуннинг янги тахририда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида ушбу жараённинг барча босқичлари — лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишдан тортиб, тегиш-

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси — устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ва давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Айтиш керакки, аҳолига тиббий

миллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 137 иншоотни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 407 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларига диагностика ва даволаш ишларида кўлланиладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилмоқда. Мазкур тадбирлар тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли сало-

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Даштамаҳалла” кишлоқ врачлик пункти “Энг намуна-нацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва “Damas” автомобили билан тақдирланди.

Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника “Энг намуна-оилавий поликлиника” деб топилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Кеғейли туманидаги “Кеғейли” кишлоқ врачлик пункти шифокори Жарқиной Акмалиева “Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори”, Сирдарё вилоятининг Бойвут туманидаги “Фарход-2” кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Феруза Аллашукурова “Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси” номинацияси бўйича галиб бўлди. Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсимирлар гигиенаси бўлими санитария врачлари ёрдамчиси Карима Хайдарова “Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими” деб эътироф этилди.

Галиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Байрам тадбири таниқли санъаткорлар ва ёш ижроичиларнинг концерти билан аяқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

М. ҲОҚОВ.



Ҳосен ПАЙДОНОВ олдан сурат.

ёрдам кўрсатиш борасида шаклланди. Ҳозирда “Энг намуна-нацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва “Damas” автомобили билан тақдирланди. Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника “Энг намуна-оилавий поликлиника” деб топилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Кеғейли туманидаги “Кеғейли” кишлоқ врачлик пункти шифокори Жарқиной Акмалиева “Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори”, Сирдарё вилоятининг Бойвут туманидаги “Фарход-2” кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Феруза Аллашукурова “Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси” номинацияси бўйича галиб бўлди. Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсимирлар гигиенаси бўлими санитария врачлари ёрдамчиси Карима Хайдарова “Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими” деб эътироф этилди.

матлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда “Энг намуна-нацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва “Damas” автомобили билан тақдирланди. Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника “Энг намуна-оилавий поликлиника” деб топилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Кеғейли туманидаги “Кеғейли” кишлоқ врачлик пункти шифокори Жарқиной Акмалиева “Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори”, Сирдарё вилоятининг Бойвут туманидаги “Фарход-2” кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Феруза Аллашукурова “Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси” номинацияси бўйича галиб бўлди. Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсимирлар гигиенаси бўлими санитария врачлари ёрдамчиси Карима Хайдарова “Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими” деб эътироф этилди.

дорларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Байрам тадбири таниқли санъаткорлар ва ёш ижроичиларнинг концерти билан аяқланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

М. ҲОҚОВ.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўпжаб икки томонлама муҳим ҳужжатлар асосида изчил ривожланиб бораётган. Мамлакатларимиз парламентлари ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, турли даражадаги делегацияларнинг тақриблари мунтазам амалга оширилмоқда, самарали учрашувлар ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишлари оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда, — деди Ван Чжэнвэй. — Мамлакатингизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўпжаб соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни гоят қувонтиради. Дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосланган алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Хитой делегацияси аъзолари шу кунги Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида ҳам музокара ўтказди.

НОДИРА МАНЗУРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада соҳага доир қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солишни яхшилатиш таъминланди. Қолаверса, адвокат фаолиятини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар бўйича тақлифлар тайёрлаш, адвокатларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган таъкидлар, кечклар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларни касбий тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топти.

Айбланувчи ҳимоялаши ҳуқуқи билан таъминланади.
Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасидан).

Бугунги кунда республика-мизда фаолият юритаётган адвокатлар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат жиноят процессида, балки фуқаролик, ҳўжа-лик судларида ҳам ҳимоя қилмоқда. Фуқароларимизга уларни қизқитириган барча малакали масалалар бўйича малакали маслаҳатлар бериб келмоқда.

Муҳтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш жараёнида адвокат фаолиятини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилиб, бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу эса пировад мақсад — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда мазкур институтнинг обрў-эътибори ҳамда аҳамиятини оширмоқда.

ШУХРАТ СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг ўринбосари.

Инвестициявий муҳитни янада яхшилаш — давр талаби

нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инвестиция фаолияти ролини ўрганишга бағишланган тадбирлар ташкил қилинди.

— Ҳуқуқий ҳужжатда қандай янгиликлар ўз аксини топмоқда?

— Қонун ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, инвестициялар киритиш учун қўшимча рағбатлар ва шароитлар яратишга, шунингдек, инвесторларнинг ҳуқуқ ва мулкларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтиришга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Қонунда инвестиция фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган асосий тушунчалар рўйхати эск этмоқда. “Инвестиция лойиҳаси”, “инвестиция мажбурияти” ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Молия-лаштириш манбалари батафсил очиб берилаяпти, инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенгайтирилган, уни рағбатлантириш меха-

ли ишлар ҳамда хизматларнинг қўзланган ҳўжатларни расмийлаштиришга бўлган жараён батафсил кўрсатиб ўтилмоқда.

Янги тахрирдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу давлат томонидан қўлай сарможий муҳит яратиш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, солиқ, божхона ва бошқа имтиёз ҳамда преференциялар тақдим этиш, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ва бошқалар орқали амалга оширилади.

Умуман, янги тахрирдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун инвесторларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, қўлай ишбилармонлик муҳитини изчил шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари инвестициявий жазибдорлигини оширишга хизмат қилиб, пировадда республикамизга инвестициялар оқимини кенгайтиришнинг муҳим омилга айланади.

Қ. ХИДИРОВ СУХБАТЛАШДИ.

Қисқа сатрларда

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида ўтказилган семинар “Ҳудудий нодавлат нотариот ташкилотлари ривожланишини ахборот, услубий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишда ижтимоий шерикликнинг ўрни” мавзусига бағишланди.

• Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидега пойтахтимидаги олий ўқув юртининг чет тиллар ўқитувчилари учун семинар бўлиб ўтди. Тадбир Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган “Экология ва саломатлик” кунларининг учинчи босқичи доирасида Қорақалпоғистон Республикасида экологик ҳашар уюштирилди. 470 мингдан зиёд киши қатнашган ушбу умум-халқ тадбирида 31 гектар майдонда янги боғлар барпо этилиб, 55 минг 300 туپдан ортық кўчат ўтказилди.

• Чуст туманидаги Гова қишлоғида “Чегара хавфсизлиги — юрт тинчлиги” широри остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбир доирасида “Ватан остонаси муқаддас”, “Она юрт сархадлари”, “Ёшлар биллиги — халқлар дўстлиги” мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Расмлар танлови ва спортнинг бир неча турлари бўйича ташкил этилган мусобақаларда иқтидорли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча соҳалари қаторида энгил саноат тармоғида ҳам эътиборга молик муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бинобарин, ушбу тизимда ҳар йили ўнлаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари модернизация қилинаётгани бунинг яққол далилидир.

ИЗЛАНИШ

Пировадда ички ва ташқи бозорга сифатли тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилиши баробарида, юзлаб ёшларнинг бандлиги таъминланапти. “Жиззах пластик” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси фаолияти бунга

ёрқин мисол бўла олади. Собиқ пайқок тўқич фабрикасининг эски ва кўрimsиз биноси ўрнида барпо этилган мазкур замонавий корхонада бугунги кунда 800 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган калава ип эса тўлигинча экспортга йўналтириляпти.

— Президентимиз ўтган йилнинг ёзида вилоятимизга ташрифи чоғида корхонамизда ҳам бўлган эди, — дейди ушбу корхонанинг бош директори Асқар Иноғомов. — Ушунда эндигина дастгоҳлар ўрнатилиб, монтаж ва синов ишларини бажара-

ётгандик. Юртбошимиз томонидан бандирилган тақлиф ва маслаҳатлар асосида иш кўрганимиз натижада тез орада дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришдик. Уша йилнинг ўзидаёқ харидорларга 12 минг тонна юкори сифатли маҳсулот етказиб бердик. Таъкидлаш жоизки, “Жиззах пластик”да ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган лойиҳалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, “Terrot” (Германия) фирмасининг 45 та тўқув дастгоҳи ўрнатилгандан сўнг йилига 4600 тонна хом газлама тайёрлаш имконияти юзга келди. Шу кунларда эса корхонанинг учинчи навбатини ишга тушириш юзасидан чора-тадбирлар кўриляпти. Яъни ҳамкорлар билан биргаликда толаси нисбатан калта бўлган 2 ва 3-навли пахтадан ҳаво ёрдамида калава ип олиш технологияси ўзлаштирилгач, келгуси йилнинг ўрталаридан бошлаб ишлаб чиқариш ҳажми 12 минг тоннага кўпаяди.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, унинг ҳудудида яна бир замонавий бино ҳад ростлаётганига гувоҳ бўлдик. Бош директор Асқар Иноғомовнинг айтишича, мазкур иншоот болалар учун



ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ИШ ҲАМДА ҲАҚИЯТИ

уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан биридир

Иш жараёнида хотин-қизлар билан доимо мулоқотда бўламиз. Уларнинг айримлари оилавий ҳаётга доир масалалар билан мурожаат қилишса, бошқалари ўзларига мос иш топишда ёрдам кўрсатишимизни сўрашади. Яқинда шундай аёллардан бирининг дадил гаплари кўнглимни кўтариб юборди.



— Маҳаллада ўндан зиёд қизларга тикувчиликни ўргатганман, — дейди у. — Ҳозир бинойндай-чевар бўлишган. Уларни ёнимга олиб, кичикроқ тикув цехини ташкил қилсам, дегандим. Маҳалла гузарии ён-атрофдан келувчилар учун жуда қўлай жой. Агар банкдан кредит олсак, ишимиз ривожланиб кетарди.

Узи ёш бўлса-да, иши, режалари пухта бу аёлнинг фикри маъқул тушди. Мақсадини қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ, маслаҳат бердик. Наманган вилоятининг Норин туманида 69300 нафардан зиёд хотин-қиз истикомат қилади. Уларнинг 29300 нафари меҳнатта лаёқатли бўлиб, 19100 нафари турли соҳаларда фаолият юритаёпти. Аҳолининг мазкур қатлами бандлигини таъминлашда кичик биз-нес субъектларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўз бизнесини йўлга қўяётган опа-сингилларимиз, энг

аввало, хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишни мўлжаллаша-япти. Туманимизда 57 та маҳалла мавжуд. Утган йили уларнинг ҳар бирида 10 тадан хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этишга киришган эдик. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Яъни йил давомида 201 шундай маскан фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 924 та иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг саккиз ойи давомида эса яна 18 та маҳаллада 31 шохобча фойдаланишга топширилиб, 76 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундай ибратли ишлар бошида кўпроқ аёлларимизнинг ўзлари туришгани қувонарли ҳол, албатта. Жумладан, “Шўрарик” маҳалла фуқаролар йиғинида хусусий тадбиркор Азиза Абдуллаева умумий оқватланиш шохобчаси ва гўзаллик салонини ташкил этиш орқали 5 та янги иш ўрни яратди. Навоий номидаги маҳаллада

Зарифахон Ботирова ҳамда Қаноат Қодирова томонидан қуриб битказилган маийий хизмат кўрсатиш нуқтаси, гўзаллик салони, тикувчилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш фаолият бўлади. Ўзбекистон номли маҳаллада истикомат қилувчи хусусий тадбиркор Назира Фаньева ишга туширган савдо дўкони ҳам шу ерлик ёшлардан бир гуруҳининг меҳнат қилиб, даромад топишларига имконият туғдирди.

Аҳоли бандлиги ҳақида сўз кетганда, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишимиз ўринли. Ҳозир биргина Ҳаққулобод шаҳрида 171 нафар хотин-қиз касаначилик фаолияти билан машғул. Оилавий тадбиркорлар сони ҳам кун сайин ортаёпти. Фуқрат номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор

кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги цех бўлиб, у фойдаланишга топширилса, нафақат йилига катта миқдордаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади, балки ишчи-хизматчиларнинг сони икки баробар ортади.

Умуман, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ўртача ёши 23 га тенг бўлиб, уларнинг 500 нафардан кўпроги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. — Корхонамизда ҳорижий тажрибаларни ўрганиш борасида ҳам қўлайликлар яратилгани биз учун айни мўддао бўлмоқда, — дейди ишчилардан бири Хушнуд Аширматов. — Жумладан, ўтган йили Жанубий Кореяда бир ой бўлиб, малака ошириб қайтдим. Ҳозирги пайтда бош механик вазифасида ишляпман.

Хулоса ўрнида айтганда, Жиззах вилоятида 2016 йилгача саноат соҳасида умумий қиймати 522,5 миллион АКШ долларлиги 406 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилгани инobatга олсак, ҳудудда йирик корхоналардан яна бир нечтаси қурилиши ойдинлашади. Бу — Хушнудга ўхшаш минглаб ёшлар иш билан таъминланади, вилоят, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаверади, деганидир.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

олаётгани қувонарли натижа эмасми?! Яна бир масала. Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ўтган йили 130 та оилага 35 тандан, жами 4750 та парранда тарқатилди. Жорий йилда ҳам ушбу ташаббус давом этирилиётгани диққатга сазовор.

Бундан ташқари, ҳудуддаги ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига ҳам яқиндан кўмак бераёямиз. Бунда ҳар бир ўқув даргоҳида ташкил этилган “Битирувчиларни ишга жойлаштириш шалари”ларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлаётти. Масалан, жорий йилда тумандаги 7 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейини 1202 нафар қиз тамомлади. 243 нафар қиз эса тумандан ташқаридаги ўқув даргоҳларини битирди. Уларнинг 99,2 фоизи, яъни 1350 нафари билан ўз томонлама шартномалар имзоланиб, шу кунга қадар 1057 нафари иш билан таъминланди. Яна бир қанча битирувчи имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Муҳтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш жараёнида адвокат фаолиятини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилиб, бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу эса пировад мақсад — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда мазкур институтнинг обрў-эътибори ҳамда аҳамиятини оширмоқда.

ШУХРАТ СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг ўринбосари.

Айни пайтда режаларимиз кўп. Уларнинг ижросини таъминлашда ҳар соҳада пешқадам, эзко, фидойи опа-сингилларимиз бизга ҳамма мададкор бўлишади. Зеро, амалга ошираётган барча эзгу ишларимиздан қўзланган пировад мақсад — юрт равнақига эришиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор қўйишдан иборатдир.

Сабоҳат ҲОЖИБОЕВА, Норин тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Президентимиз шу йил 6 июнда Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида "Мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлашда фермерларимиз олдида қатъи асосдаги вазифалар турибди. Айниқса, қишлоқларимиздаги боғларда пишиб етилган мевани қайта ишлашга қатъи эътибор қаратиш лозим", дея алоҳида таъкидладилар.



Боғ ва дала неъматлари

Ҳақиқатан ҳам, серкуёш юртимизнинг ноёб тупроқ-иклим шароити, қуёшли кунларнинг бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви юқори сифатли мева ва сабзавотлар етиштириш учун қулай имкониятдир.

сабзавот, 86,9 центнердан картошка ҳосили олинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 110-278 центнергача етганлиги шундан далолат беради.

халқимиз фаровонлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади

Бундай ўсиш суръатларини Навоий вилояти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 ноябрдаги "2014 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг прогнози кўрсаткичлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳудудда аҳоли томоққалари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ушбу йўналишда тизимли ишлар олиб боришда мева-сабзавот ишлаб чиқаришнинг ошдириш дастурига кўра, жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 110 фоиздан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилмоқда.

дан 15,6 минг тоннаси такрорий экинлар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг учун мавжуд омборхоналар, совитиш камералари тасмирланиб, маҳсулотларни тўлиқ қабул қилишга шайлаб қўйилгани айни мuddада бўлмоқда.

Ички бозор учун ЯНГИЛИК

Зангиота туманидаги "Master delekatesov" масъулияти чекланган жамиятида 10 турдаги гўшт маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

ИНТИЛИШ

Улар орасида умумий оқватланиш, меҳмонхона хўжаликлари ва уй ошхонаси учун мўлжалланган ярим-тайёр таомлар ҳам бор. Қўшимча ишлов берилган бундай гўштни тўлиқ пишириш учун бор-йўғи 10 дақиқа кифоя қилади.



Европанинг "Airbus Group" самолёт-созлик компанияси Хитойнинг "China Aircraft Leasing Group Holdings" лизинг компаниясига "A320" туркумидаги ҳаво лайнерларидан 100 та етказиб бериш бўйича дастлабки келишувга эришди.

Катта миқдорда буюртма олди

Буюртманинг умумий қиймати 10,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, шартнома ноябрь ойининг охирида имзоланиши режалаштирилган.

Энг йирик кўнгилочар мажмуа

Дубай (БАА) шаҳрида дунёдаги энг йирик кўнгилочар боғ қурилади. Айтилишича, мажмуа тўрт қисмдан иборат бўлади. Унинг таркибида дунёдаги энг катта сувости боғи, турли аттракционлар, мультфильм ва комикслардан иборат бўлимлар қиритилди.

Зилзила юз берди

Греция соҳилларида 5,2 балли зилзила юз берди. Унинг маркази Ликсури шаҳридан саккиз километр узоқликда, Кефалония оролида қайд этилган. Табиий офат туфайли вайронгарчиликлар ҳамда цунами келиб чиқиш хавфи кузатилмаган.

Ёшлар — эзгулик тарафдори

Бухорода "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилаётган "Жаҳолатга қарши маърифат билан" шиори остидаги ижодий ишлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур ижодий танлов ўғил-қизларни миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни турли ёт гоғларга берилмаслик, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ундаши ҳамда дунёқарашини кенгайтириб, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies like Australia Dollar, UK Pound, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Advertisement for 'Чўлпон' NMIU FR 3950 EP-a rusumli RIZOGRAF sotadi. 2001 йилда ишлаб чиқарилган. Асосий кўрсаткичлари: М/ка 011.988; Прогон 3.386.334; Баҳоси — 6.000.000 сўм.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига тақлиф этади

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 21 июлдаги 10-1306/12685-сонли ижро варақасига ва 2014 йил 6 октябрдаги 10-1306/12685-сонли ижро ажримига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиклол» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кеғейли тумани СИБ томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Кеғейли тумани судининг 2014 йил 27 мартдаги 1-136-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2014 йил 30 сентябрдаги 10-1410/14189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу майдони, 3-«А» уйда жойлашган, 24316 кв.м.дан иборат бўлган савдо маркази «А» блокнинг бир қисми (1-,2-қаватлари ертўла билан) қўйилмоқда.

Кўниш вақтидаги фалокат

Багама оролларида энгил моторли самолёт ҳалокатга учради. Оқибатда унинг бортида бўлган тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди. "Ассошэйтед Пресс" ахборот агентлигининг маълумат қилишича, транспорт ва авиация вазирлиги маълумотиға таяниб хабар беришича, пойтахт Нассаудан учган "Lear 36 Executive Jet" русумли ҳаво лайнери Фрипорт шаҳридаги аэропортга кўниш чоғида қурилиш кранига урилиб кетган.

542 йиллик тарихга эга банк сотилади

Дунёдаги энг қадимий банклардан бири — "Banca Monte dei Paschi di Siena" (Италия) сотувга қўйилди, дейилади "The Wall Street Journal" нашри хабарига.



Айни шу масала бўйича ташкилий ишлар билан шуғулланиш учун молия муассасаси "UBS" ҳамда "Citi" банкларини ёрлаган. "Banca Monte dei Paschi di Siena" ҳозир, ҳақиқатан ҳам, мураккаб вазиятга тушиб қолган. Европа марказий банки томонидан ўтказилган стресс-тест натижалари-

Смартфоннинг сўнгги русуми

Хитойнинг "Gionee" компанияси батареяси қуввати узоқ вақтга етадиган "Marathon M3" смартфонини ишлаб чиқарди.



Ушбу "аклли" телефон 4,5 дюймли дисплей, 1,3 гигагерц частотага эга тўрт ядроли процессор, бир гигабайт тезкор ва саккиз гигабайт ички хотира, 0,3 ва 5 мегапикселли олд ҳамда орқа камера билан жиҳозланган. Унинг батареяси қуввати 4000 мА соатни ташкил этади. Яъни бир қувватлантириш ҳисобига смартфондан уч кун фойдаланиш мумкин. Таққослаш учун келтириб ўтмиш, айни пайтда урф бўлган "Note 4" да бу кўрсаткич 3220, "iPhone 6" да 1810, "Xperia Z3" да эса 3100 мА соатга тенг.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Италия пойтахтида Римдаги Ла Сапиенца университети профессори, Университетлараро тадқиқотлар маркази ва Барқарор ривожланиш кенгашининг аъзоси Магди Педаче қаламига мансуб "La Musica e la Memoria" ("Музыка ва хотира") номли китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу асар италиялик тарихчилар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Фанлар академиясидаги ҳамкасбларининг бир неча йиллик ўзаро ҳамкорликдаги илмий-ижодий ишлари натижаси сифатида нашр этилди. У турли халқларни бирлаштиришга хизмат қиладиган муҳим омил — маданиятнинг инсон ҳаётида тутадиган ўрнига бағишланган.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Маълумки, Италия ва Ўзбекистон кўҳна маданият, бой тарих ҳамда анъаналарга эга бўлган мамлакатлар сарасига кирилади. Улар асрлар давомида бири-бирига таъсир кўрсатиб келгани ўтмишдан яхши маълум. Мамлакатимиз худудидан топиладиган кўҳна Рим тангалари сингари археологик ёдгорликлар, Буюк Ипак йўли воситасидаги тарихий савдо алоқалари, Марко Поло-

Антонио Вивалдининг Амир Темурга бағишланган китоби Римда тақдим этилди

нинг Марказий Осиёга саёхати ҳамда кўпчилик учун янгилик бўлган, яъни италиялик машҳур бастакор Антонио Вивалдининг Амир Темур ҳақидаги асарини хусусидаги маълумотлар Италия ва Ўзбекистон олимлари томонидан чоп этилган мазкур китобда ўз ифодасини топган. Асар саҳифаларидан жой олган миниатюралар китобхонани Марказий Осиё ва Урта Ер ден-

гизи ўлкасининг руҳи билан ошно қилади. Италиялик буюк бастакор Амир Темурнинг ҳарбий фазилатлари ва у эришган муваффақиятларни эътироф этиш билан бирга, Соҳибқироннинг маданият жонкуяри бўлганлиги, Темурийлар даврининг илмий, маданий-тарихий мероси бундан далолат бериши хусусидаги фикр-мулоҳазаларини Уйғониш даври услубида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган. Китобда нафақат Темурийлар давридаги ҳарбий муваффақиятлар, балки ўша замондаги давлат қурилиши, меъморчилик, илм-фан, шаҳар инфратузилмаси ва бошқа йўналишлардаги тарихий ўзига хосликлар ҳам атрафлича қаламга олинган. Муаллиф эътироф этганидек, улар Европа мамлакатларида

чуккур ўрганилган ва амалда қўлланилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур китоб тақдимоти Италиянинг илмий-академик доираларида катта қизиқишни ҳамда икки мамлакат илмий жамоатчилиги ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун рағбат ҳиссини кучайтирди. **Римдаги Santa Cecilia консерваторияси профессори Карла Конти** Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари ўзларининг буюк аجدдлари қолдирган мероснинг муносиб ворислари ва давончилари ҳисобланишини қайд этди. — Биз бугунги кунда Ўзбекистоннинг ёш талантлари Европанинг ва бутун дунёнинг нуфузли музыка танловларида совринли ўринларни эгаллашаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди у.

— Албатта, музыка тарихини ўрганишга доир бундай қўшма илмий тадқиқот ишлари келажакда ҳам давом этиши лозим. К. Конти мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини изҳор этар экан, Италия ва Ўзбекистоннинг муносиб мулкани янада бойитиш учун икки мамлакат ёш музыка ихлосмандларининг алмашувини йўлга қўйишни таклиф этди. **Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси хузуридаги Италия делегациясининг раиси Риккардо Мильори** Ўзбек маданиятида музыка марказий ўринни эгаллашини қайд этар экан, бу кенг миқёсда Марказий Осиёдаги цивилизация тараққиётида ҳамон муҳим ўрин тутиб келаётганини айтди. Италия пойтахтида ўтказилган мазкур тадбир икки мамлакат ўртасидаги илмий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ ўзаро фикр алмашуварга жуда бой бўлди. **«Жаҳон» АА.** Рим



Маданият хабарлари
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган "Ниҳол" мукофотининг худудий босқичлари бошланди.

Худудий босқичлар бошланди

Ёш иқтидор эгаларининг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган ушбу танловда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар эстрада, музыка, мумтоз кўшиқ, ракс ва опера санъати ижрочилиги йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 13 минг нафар ижодкор ёш қатнашган бўлса, улардан минг нафардан зиёди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий босқичларида ўзаро беллашмоқдалар. Кунинча Хоразм вилоятида ҳам кўрик-танловнинг голиблари аниқланди. Унда олти нафардан зиёд иштирокчи билим ва маҳоратини намойиш қилди. Ҳайъат қарорига кўра, урганлик Райҳона Машарипова мамлакат босқичига йўланма олди. **Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.**

ТЕАТР
Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти музыкали драма театрида "Жонгинам, шартингни айт!" деб номланган янги спектаклнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Саҳнада оила мавзуси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асарини асосида театрнинг бош режиссёри Сайфиддин Мелиев томонидан саҳналаштирилган ушбу музыкали комедияда оиланинг бетақрор маскан эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзгаларнинг оилавий ишига кимларнингдир кўр-кўрона аралашуви сабаб юзага келган тушунмовчиликлар, зиддиятлар ва ниҳоят, муаммоларнинг ижобий якунига бағишланган мазкур спектаклдаги бош ролларни М. Мамат-охунова, А. Абдуллаев, О. Абдуллаева, Ш. Каттабобоев каби актёрлар талқин эттишган. **Ўзбектош ҚИЛИЧЕВ.**

КУЛАЛИК
Қамаши туманида 6-сонли болалар музыка ва санъат мактабининг буғунги кун талабига тўла жавоб берадиган янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги санъат қошонаси

— Машгулотларни замонавий бинода бошладик, — дейди мактаб музыка ўқитувчиси Хуршида Тўракулова. — Бу ерда чолғу ва ракс сирларини ўрганиш учун махсус хоналар, тасвирий санъат, заргарлик, ҳайкалтарошлик устaxonалари, 200 ўринли концерт зали ва бошқа кулайликлар мавжуд. Бу қамашилик ёшларнинг санъат сирларини пухта эгаллашлари учун катта имконият бўлди. 150 ўринли таълим муассасасини бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси томонидан 2 миллиард 600 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. **Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Қадимий ва навқирон илм маскани



Аждодларимиз томонидан яратилган илмий, интеллектуал мерос халқимизнинг маънавий дурдонаси саналади. Истиқлол туфайли ана шу улкан бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларимизнинг онгу шуурига сингдиришда катта ишлар амалга ошириляпти.

МАЪНАВИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 11 ноябрда "Хоразм Маълум академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги тарихий воқеалардан бири бўлди. Маълумки, ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожда Хоразм Маълум академияси алоҳида ўрин тутган. Бу муқаддас маскан йирик кутубхона, мадраса, шунингдек, таржимон ва хаттотлар мактабига эга бўлиб, унда юздан ортик алломалар, истеъодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби буюк мутафаккирлар айнан ана шу даргоҳда умумбашарий кашфиётларга асос солганлар.

балки хорижлик мутахассисларнинг самарали тадқиқот олиб боришлари учун замин яратди. Ҳозир ушбу қадимий ва навқирон илм масканида Хоразм тарихи, унинг ўзига хос маданияти, экологияси, ер ва сув ресурсларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, 14 та лойиҳа доирасида 40 нафардан ортик илмий ходим, жумладан, 7 нафар фан доктори, 24 нафар фан номзоди илмий тадқиқот билан машғулдирлар. Академия илмий ходимлари ўтган қисқа вақт ичида қадимий ва ўрта асрларга оид қўллаб-қўлланма, археологик материалларни топиб, ўрганишди. Жумладан, "Тошқалъа" шарҳчаси, "Уч ўчоқ" қўрғонсағанаси, мўғуллар истилосигача бўлган даврга оид "Мешекли" қалъа-қўрғони ва ушбу қўрғон сағаналарида амалга оширилган археологик дала ишлари ўзбек давлатчилиги тарихига оид нодир манбалар тўплашга кўмак берди. Мазкур сайё-ҳаракатлар махсули сифатида "Хоразм давлатчилиги тарихи" монографияси нашрга тайёрланди. Шунингдек, қирққа яқин олий ўқув юртлири ҳамда касб-хўнар таълими муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Ёшлар илмий даргоҳимизда ташкил этилган "Кичик академия"да турли фан сирларини ўрганиб боришади.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг юксак эътибори ва ташаббуси билан Хоразм Маълум академияси тарихий мавқеини қайтадан тиклади. Бу ерда йирик ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бинонинг фасадига мос миллий услубда пешайвон ўрнатилди, хиёбон барпо этилди, интеръер замонавий услубда безатилди, лабораториялар шинам ҳолга келтирилди. Натижада академия воҳадаги энг мухташам бой илмий муассасага айланди. Бундай шарт-шароитлар эса нафақат юртимиз олимлари,

нодаги хоналар эшигини нима учун паст?" дея савол берди. Шунда чет элдан келган меҳмонларга таржимонлик қиладиган Самарқанд давлат чет тиллар институтининг талабаларидан бири Адиба Фаттоқулова италия тилида мазкур хонақоҳларда илгари дарс ўтилганини, шогирдлар устоз хузурига қираётганида таъзим қилиб, энгашиб ичкарига ошққан-

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Бир фараз қилайлик, биз бундан 17 йил олдин таълим соҳасини мутлақо ўзгартирган, янги, замонавий босқичга олиб чиққан дастурларни қабул қилма-дак, бугун тез ўзгараётган глобаллашув даври, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган Интернет асрининг ўткир ва мураккаб талабларига муносиб жавоб бериш, мамлакатимизнинг тараққиёти, истиқболини таъминлаш, биз қўзлаган, келажакда буюк давлат қуриш деган улуг мақсадни олдимизга қўйиш мумкинмиди?"

Жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам хорижлик мутахассислар мамлакатимизда ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлар билан ақиндан танишдилар. Ўзбек йигит-қизларининг хорижий тилларда эркин мулоқотга киришиб, тарихимиз ҳамда истиқлол ислохотлари хусусида завқу шавақ билан гапирётганига гувоҳ бўлдилар. Шу ўринда Регистон ансамблида ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб ўтсак, Тор Вергата номидаги Рим университети профессори (Италия) Луизи Аккарди афсонавий мажмуани кўздан кечириб, у ердаги ҳар бир обиданинг мухташам эканлигини ҳайратлантирди. Мажмуа хонақоҳларга кириш эшигини синчиклаб кўзатар экан: "Шунчалик маҳобатли би-

лигини айтганида, дунёга машҳур профессор жавобдан гоат мамун бўлиб, қарсақ чалиб юборди. Бу олқиш нафақат унинг тил билишига, шу билан бирга, ўз ўтмишидан яхши хабардор эканлигини пайдо бўлган ақтиром намунаси эди, десак, янглишмаймиз. Биргина мана шу мисолнинг ўзиёқ мамлакатимиз ёшларининг илму маърифатда ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатувчи яққол мисоллардан биридир.

ШИЖОАТЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ, БАРКАМОЛ

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортигини ташкил этмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — "ИНСЕД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни,



таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта. Бундай кенг қўламли тадбирлар болажон, ўзидан кўра фарзандини ўйлаб, унинг тарбиясига жиддий масъулият билан қарайдиган халқимиз учун айна мудоаодир. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса ёшларнинг жамятда ўз ўрнини

Зотан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш, қобилиятини тоблаш давлатимизда ҳар доим устувор аҳамиятга эга. Шундай экан, курсатилётган меҳр ва эъзоз шу юртининг мусаффо ономни, зилол суви, беқийс имтиёзу имкониятларидан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қиладиган, фарзанд тарбиялаётган ҳар бир фуқарони масъулияти бўлишга ундайди. **Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Мухтасар айтганда, академияда олиб борилаётган кенг қамровли илмий изланишлар, хулосалар мамлакатимиз илм-фани тараққиётини юксалтиришга, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. **Машариф АБДУЛЛАЕВ, Хоразм Маълум академияси илмий котиби.**

Эълонлар

VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

VEGA
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Маблағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи

www.vega.uz

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 "VEGA"

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65. e-mail: info@vega.uz
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: www.vega.uz

ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»
МАТЕРИАЛ РУЛОННЫЙ КРОВЕЛЬНЫЙ И ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ NURIZOL NURFLEX

Фольгоизол предназначен для:

- покрытия кровли
- создания новой и ремонта старой кровли зданий
- гидроизоляции стен и фундамента
- гидроизоляции бассейнов, тоннелей, мостов и других сооружений

Эксплуатационные качества, подходящие для любых климатических условий:

- влагоустойчивость
- долговечность
- высокие изолирующие свойства

Тел.: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96; f.kafolat_ok@mail.ru; nurizol.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суднинг судьяси Генжемурат Пиржановга акаси **Саймуҳаббет ПИРЖАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси Тўлқин Бекназаровга волидан муқтарамаси **САНАМ** онанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар қимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази жамоаси марказ ходими **Гулнора Ботирова ЮЛДАШЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 783 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5